



ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИХАЛАР ТАҲЛИЛИ

PhD Абдуллаев Жавоҳир Абдумалик ўғли
Тошкент давлат транспорт университети
ORCID: 0009-0001-4743-0118
j.abdullayev@tdi.uz

Аннотация. Ушбу илмий мақолада давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали ҳамкорликни таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва давлат хизматлари сифатини оширишга хизмат қиладиган давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари доирасида амалга ошириш натижасида эришилган натижалар таҳлил қилинган ва истиқболда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар баён этилган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклиги, давлат хизматлари, инфратузилмани ривожлантириш, лойиҳа бошқаруви, молия бозори, инвестицион лойиҳалар, кредит ресурслари.

АНАЛИЗ ПРОЕКТОВ РЕАЛИЗУЕМЫХ НА ОСНОВЕ ГОСУДАРСТВЕННО- ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

PhD Абдуллаев Жавоҳир Абдумалик угли
Ташкентский государственный транспортный университет

Аннотация. В данной научной статье проанализированы проекты государственно-частного партнерства (ГЧП), которые служат обеспечению эффективного сотрудничества государства и частного сектора, развитию инфраструктуры, повышению качества государственных услуг и описаны проекты, планируемые к реализации в будущем.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, государственные услуги, развитие инфраструктуры, проектное управление, финансовый рынок, инвестиционные проекты, кредитные ресурсы.

ANALYSIS OF PROJECTS IMPLEMENTED ON THE BASIS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN UZBEKISTAN

PhD Abdullayev Javohir Abdumalik ugli
Tashkent State Transport University

Annotation. In this scientific article, public-private partnership (PPP) projects that serve to ensure effective cooperation between the state and private sector, develop infrastructure, and improve the quality of public services are analyzed and projects planned to be implemented in the future are described.

Keywords: public-private partnership, public services, infrastructure development, project management, financial market, investment projects, credit resources.

Кириш.

Иқтисодиётни либераллашуви ва барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кескин рақобатчилик ҳамда муносабатларнинг мураккаблашуви сабабли жамиятнинг барча эҳтиёжларини қондириш учун давлат ресурслари етарли бўлмаган шароитда олдин фақат давлат томонидан молиялаштирилиб келинган кўпгина тармоқларда, жумладан, транспорт, электр энергетикаси, ҳарбий-саноат мажмуаси, ижтимоий соҳа тармоқлари, хусусан, таълим, фан соғлиқни сақлашда бугунги кунда бевосита хорижий, маҳаллий инвесторлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ресурсларини жалб қилиш жараёнлари кечмоқда. Бу эса давлат ва бизнес тузилмалари ўртасидаги шерикчиликнинг ўзига хос шакли ва механизми сифатида давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) деб аталади.

ДХШ лойиҳаларининг устунлиги тармоқ ривожланишининг гарови саналган шериклик муносабатлари узоқ муддатли характерга эга эканлиги ҳисобланади. Бундай шериклик хусусий сектор ресурсларини жалб қилиш имконияти туфайли нафақат ишлаб чиқариш, транспорт, ҳаттоки иқтисодиётнинг кам фойда келтирадиган тармоқларида, жумладан, ижтимоий соҳа тармоқларида (таълим, фан, соғлиқни сақлаш) ҳам лойиҳаларни амалга оширишга имкон беради.

Адабиётлар шарҳи.

Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг назарий ва амалий асосларини кўплаб хорижий олимлар асарларида кўриб чиқилган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлардан ДХШ концепцияси ва унинг асосий фундаментал масалалари Варнавский (2004), Вилисов (2007), Дерябина (2008), Кабашкин (2011), Клименко, Королев (2010), Панкратов (2010), илм-фан ва таълим соҳасида ДХШни қўллаш хусусиятлари Молчанов (2009), олий ва ўрта махсус касб ҳунар таълимини молиялаштириш Бабич (2002), Ишина (2000), Каткова (2008), бевосита таълим хизматлари бозорида ДХШ масалалари Роцин (2000) ва бошқалар асарларида тадқиқ этилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) ДХШни - ҳукумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарак бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рисклар қандай тақсимланганлигига боғлиқ (OECD, 2010).

Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланувчи инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир” (International Monetary Fund Annual Report, 2004), деб таърифланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини шакллантириш, бевосита таълим хизматлари, олий ва ўрта махсус касб ҳунар таълим тизимини ривожлантириш, ДХШ механизмини ривожлантиришнинг илмий-назарий, ташкилий-ҳуқуқий ва методологик асослари республикамизнинг иқтисодчи олимларидан Ғуломов, Абдурахманов (2004), Раҳимова, Абдурахманов (2005), Саидов (2001), Пардаев (2008), Тўраев (2009), Юсупов, Карабаев (2013), Олланазаров (2019), Джуманиязов (2018), Халмуратов (2021), Садуллаева 2018 ва бошқаларнинг асарларида кенг ёритилади.

Миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистонда иқтисодчи олимлардан Юсупов ва Карабаев (2013) БМТ тараққиёт дастури доирасида ДХШнинг шаклланиши ва ривожланишининг айрим назарий-услубий масалаларини тадқиқ қилганлар.

Иқтисодчи олим Антонова (2010) ДХШни – “давлат ва бизнес ўртасида давлат бошқаруви идоралари ва хусусий тузилмалар орасида шартнома асосида амалга оширилувчи институционал ташкилий иттифоқ” деб атаса, Болехов (2007) “ДХШ - давлат идоралари ва хусусий бизнес ўзаро иттифоқи ҳисобланиб, унинг мақсади – иқтисодийнинг стратегик тармоқларидан то мамлакат миқёсида ёхуд унинг айрим ҳудудларида хизматлар кўрсатишга қадар ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни яратиш ва ривожлантиришдан иборат”, деб қайд этади.

Шунингдек, Джуманиязов (2018) томонидан эса ДХШ асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган изланишлар олиб борилган бўлиб, бироқ ушбу илмий изланишларда олий таълим тизимида ДХШ механизмларини самарали қўллаш ва ривожлантириш истиқболлари мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур илмий мақоламизни ёзиш учун олиб борилган тадқиқот жараёнида илмий мушоҳада, абстракт-манتيқий фикрлаш, суҳбат, статистик, иқтисодий, молиявий, эконометрик моделлаштириш усулларида кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бозор механизмларининг ривожланиб бориши натижасида давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида янги иқтисодий муносабатлар шаклланиб боради. Бундай иқтисодий муносабатларнинг ривожланган мамлакатлар амалиётидаги бир кўриниши бу давлат ва хусусий тармоқлар шериклик муносабатларидир. Маълумки, иқтисодийга инвестицияларни жалб қилишда асосий ички манбалар бу энг аввало давлат ва шу мамлакатда фаолият юритаётган хусусий бизнес субъектлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам иқтисодчи олимларнинг таъкидларига кўра, давлат билан хусусий секторнинг хўжалик юритишдаги ҳамкорлиги – бу кенг қамровдаги фаолият соҳаларида ижтимоий-иқтисодий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш ва уни амалга ошириш мақсадида амалга ошириладиган институционал ва ташкилий ҳамкорликдир. Жамиятдаги очлик, қашшоқлик, ижтимоий нотенглик каби муаммолар қисқа муддатда ҳал қилиш имконининг мавжуд эмаслиги туфайли давлат ва хусусий сектор шериклиги орқали узоқ муддатли инвестицион ва бошқарув стратегияларни амалга ошириш йўли билан мамлакатда юқори ижтимоий қиймат яратилиши мумкин [22].

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали ҳамкорликни таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва давлат хизматлари сифатини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда республикада ДХШ механизми амалга оширилаётган асосий соҳалар 15 та бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

1. Коммунал;
2. Таълим;
3. Иситиш тизими;
4. Экология;
5. Транспорт (жамоат транспорти, темир йўл транспорти, авиация);
6. Соғлиқни сақлаш;
7. Сув хўжалиги;
8. Солиқ;
9. Маданият;
10. Агросаноат;
11. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш;
12. Ёшлар сиёсати ва спорт;

13. Қурилиш;
14. Хунармандчилик;
15. Бандлик.

1-жадвал

Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида амалга ошириш учун имзоланган соҳалар кесимидаги ДХШ лойиҳалари тўғрисида

МАЪЛУМОТ²²

№	Соҳалар номи	ДХШ лойиҳалари сони	Лойиҳалар қиймати, млн. АҚШ долл.
1.	Коммунал	3	1500,99
2.	Таълим	91	146,70
3.	Иситиш тизими	220	125,57
4.	Экология	67	123,90
5.	Транспорт	2	94,23
6.	Соғлиқни сақлаш	52	54,42
7.	Сув хўжалиги	463	37,23
8.	Солиқ	2	20,29
9.	Маданият	38	15,12
10.	Агро саноат	2	13,02
11.	Хуқуқни муҳофаза қилиш	9	8,03
12.	Ёшлар сиёсати ва спорт	4	1,76
13.	Қурилиш	1	10
14.	Хунармандчилик	18	0,74
15.	Бандлик	1	0,07

Мазкур жадвалда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида амалга ошириш учун имзоланган соҳалар кесимидаги ДХШ лойиҳалари тўғрисида маълумотлар баён этилган бўлиб, унга кўра бугунги кунга келиб мамлакат миқёсида жами 973 та ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорлик битимлари имзоланган.

Бунинг учун жами 2,143 млрд. АҚШ долларидадан ортиқ маблағ йўналтирилганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, ушбу соҳалар кесимида йўналтирилган маблағнинг энг катта қисми коммунал соҳадаги 3 та ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун 1,5 млрд. АҚШ долларидадан ортиқ маблағ ажратилган. Бироқ, ДХШ лойиҳалари сонининг энг кўп улуши сув хўжалиги соҳага тўғри келмоқда ва бу 463 тани ташкил этади. Ушбу соҳадаги ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида 37 млн. АҚШ долларидадан ортиқ маблағ ажратилган.

Шунингдек, ижтимоий соҳанинг энг муҳим йўналишларидан бўлган таълим (91 та ДХШ лойиҳаси – 146 млн. АҚШ доллари) ва соғлиқни сақлаш (52 та ДХШ лойиҳаси – 54 млн. АҚШ доллари) соҳаларига жами 143 та ДХШ лойиҳаси тўғри келмоқда ва бунинг учун жами 200 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.

ДХШнинг истиқболдаги лойиҳалари инновациялар ва барқарорликка қаратилган бўлиб, тармоқлар бўйлаб ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратиб, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ижобий ҳал бўлишига ёрдам беради.

Хулоса ва таклифлар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, “Ўзбекистон-2030” стратегиясига асосан ДХШ давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш учун 2030 йилга қадар 30 млрд.

²² <https://www.pppda.uz> – давлат-хусусий шериклик лойиҳалари расмий веб-сайтидаги статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

АҚШ долларини сафарбар қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бу эса, турли соҳаларда ДХШ лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ушбу лойиҳаларни тайёрлаш механизмини ишлаб чиқишни талаб этади. Шунингдек, ДХШ лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун хусусий сектор инвестицияларини кенг жалб қилиш учун меъёрий-ҳуқуқий ва институционал базани янада такомиллаштириш зарур.

Бугунги кунда, ДХШ дастурининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ДХШни иқтисодий ўсишини рағбатлантиришнинг энг муҳим омили сифатида мамлакатнинг иқтисодий стратегиясига интеграция қилиш учун мустақкам фискал базага эҳтиёж мавжуд.

Шу билан бирга, келгусида ДХШ лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу соҳани рақамлаштиришни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Садуллаева Г.С. () Ўзбекистонда таълим хизматлари бозорини ривожлантириш истиқболлари. // “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 6-сон, ноябрь-декабрь.

Саидов М.Х., Перегудов Л.В. (2001) Менежмент и экономика высшего образования. – Т.: Молия, – 252 с.;

International Monetary Fund Annual Report (2004) Public-Private Partnerships. International Monetary Fund.

OECD, (2010) Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures.

Олланазаров Б. (2019) Давлат-хусусий шерикчилиги механизми асосида туризм соҳасида инвестицион фаолликни ошириш йўналишлари. // Хоразм Маъмур академияси ахборотномаси. – Хива, №1. 36-41-б.;

Антонова К.А. (2010) Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. - М.: Дело, С.120.;

Бабич А.М., Павлова Л.Н. (2002) Государственные и муниципальные финансы: Учебник для вузов // –М.: ЮНИТИ, - 687 с.;

Болехов И.Е. (2007) Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. -. - № 5-6. С.111.;

Варнавский В.Г. (2004) Альянс на неопределенный срок // Журнал «ФельдПочта» № 29. -С. 5-14;

Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. (2010) Государственно-частное партнерство: теория и практика // М.: Изд. дом Гос. ун-та - Высшей школы экономики. - 287 с.;

Велисов М.В. (2007) Государственно-частное партнерство: политико-правовой аспект // Журнал «Власть» № 7. - С.14-19;

Гулямова С.С, Абдурахмонова К.Х. (2004) Образование и человеческое развитие: Мировая практика и опыт Узбекистана. Монография. – Т.: ТГЭУ, –170 с.;

Дерябина М. (2008) Государственно-частное партнерство: теория и практика // Вопросы экономики № 8. - С.61-77;

Джуманиязов У.И. (2018) Давлат-хусусий шерикчилиги асосида уй-жой қурилиши соҳасида корпоратив бошқарув механизмларини такомиллаштириш. И.ф.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: ТДИУ, - 27 б.;

Ишина В.И. (2000) Управление внебюджетными ресурсами ВУЗов// «Университетское управление: практика и анализ». № 4(15). С. 10-18;

Кабашкин В.А. (2011) Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации // –М.: издательство «Дело» - 120 с.;

Каткова М.А. (2008) О взаимосвязи институтов // «Ноосферная и постиндустриальная экономика» №1-2. С. 46-50;

Молчанова О.П. (2009) Государственно-частное партнёрство в образовании: сб. научн. тр. / МГУ им. М.В. Ломоносова; [под ред. О.П. Молчановой, А.Я. Лившина]. М.: Университет книжный дом, -242 с.;

Пардаев М.Қ. ва Мусаев Ҳ.Н. (2008) Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, – 259 б.;

Панкратов А.А. (2010) Государственно - частное партнерство в современной практике: основные теоретические и практические проблемы. Монография. // М.: Издательство «АНКИЛ» - 248 с.;

Рахимова Д.Н., Абдурахмонов О.К., Зокирова Н.К. (2005) Образовательный маркетинг и рынок труда. – М.: Сов.писатель, – 144 с.;

Рощин С.Ю., Разумова Т.О. (2000) Экономика труда: Экономическая теория труда: Учебное пособие для вузов // –М.: ИНФРА-М. - 400 с.;

Тураев Б.Х. (2009) Организационно-экономические механизмы регионального туризма. – Т.: Фан.

Халмуратов Қ. (2021) Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳасида ДХШнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. PhD илмий даражаси учун дисс. авторферати. – Нукус: ҚорДУ, – 63 б.;

Юсупов Н., Карабаев Ф. (2013) Теория и практика государственно-частного партнерства. Учебный модуль. / Под. редак. А.Э.Шайхова. – Т., www.undp.uz;